



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

1986 йил 5 июль, шанба

Баҳоси 3 тийин.

Кеча Тошкентда
ўн биринчи чақирик
Ўзбекистон ССР Олий
Советининг учинчи
сессияси ўз ишини
бошлади.



ТОШКЕНТ. 4 июль. Ўн биринчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси.

А ГОРОКНИК ВА Р. ШАГАЕВ. ФОТОСН. (ЎЗТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

4 июль куни Тошкентда ўн биринчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси очилди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди.

Хукумат локаларида — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар И. Б. Усмонов, Р. Х. Абдуллаев, Т. А. Алимов, В. П. Анисимов, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ф. Х. Қодиров, В. Н. Лобко, О. У. Салимов, Х. Алимова, И. Х. Жўраев, В. К. Мишайлов, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуков, республика Олий Совети Президиуми ва хукумати аъзолари ўтиришди.

Сессияда КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партияий ишлар бўлимининг сектор мудири В. И. Бессарабов, СССР Олий Совети Президиумининг сектор мудири В. М. Лашков қатнашмоқдалар.

Мажлиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси депутат П. Ҳабибуллаев очди.

Раислик столи ёнида — республика Олий Совети Раисининг ўринбосарлари депутатлар Д. Е. Айбўсенова, С. Каримов, Е. А. Маршалов, С. Салаева ўтиришди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутат В. Г. Дуҳанин хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссияси раиси депутат Т. Қ. Жўраевнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети иккинчи сессиясидан кейин ўрни бўш қолган депутатларнинг ўрнига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш тўғрисидаги докладни тинглади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Тошкент шаҳар 1-Фурманов райони округидан сайланган депутат Э. А. Ризаевнинг; Тошкент шаҳар 35-Собир Раҳимов райони округидан сайланган депутат Д. А.

Устатовнинг; Тошкент области 70-Ленин райони округидан сайланган депутат Ф. Курбоннинг; Тошкент области 78-Телов райони округидан сайланган депутат О. Г. Айдаковнинг; Тошкент области 84-Чорвоқ райони округидан сайланган депутат М. С. Тошпўлатовнинг; Тошкент области 85-Бўқа райони округидан сайланган депутат А. Ф. Мухторовнинг; Тошкент области 100-Намданек райони округидан сайланган депутат Н. И. Гусаконинг; Тошкент области 108-Келес райони округидан сайланган депутат М. А. Аҳмедовнинг; Андижон области 125-Олтинқул райони округидан сайланган депутат С. М. Бахромоновнинг; Бухоро области 168-Транспорт райони округидан сайланган депутат Ю. В. Курочкиннинг; Бухоро области 169-Когон қишлоқ райони округидан сайланган депутат Т. Шоёқубовнинг; Бухоро области 189-Сино номи 189-райони округидан сайланган депутат Г. Г. Неклессанинг;

Жиззах области 193-Бахмал райони округидан сайланган депутат Д. Дадажоновнинг; Жиззах области 197-Оқунбобоев райони округидан сайланган депутат С. И. Стрижневнинг; Қашқадарь области 236-Қўдала райони округидан сайланган депутат А. Махмудовнинг; Навоий области 251-Ўзбекистон райони округидан сайланган депутат Ж. М. Жонибоевнинг; Навоий области 256-Ленин райони округидан сайланган депутат У. Раҳимовнинг; Наманган области 263-Марказий райони округидан сайланган депутат Ш. Хожимуродовнинг; Самарқанд области 338-Жума райони округидан сайланган депутат Н. Е. Фоййбонинг; Самарқанд области 351-Ургут райони округидан сайланган депутат Ю. С. Васильевнинг; Сурхондарь области 355-Бойсун райони округидан сайланган депутат Р. Р. Юнусовнинг; Сурхондарь области 375-Вахши райони округидан сайланган депутат М. Саломидиновнинг;

Сирдарё области 399-Ховос райони округидан сайланган депутат А. Г. Мананиковнинг; Сирдарё области 410-Ворошилов райони округидан сайланган депутат В. Н. Лобконинг; Фарғона области 437-Даржинский райони округидан сайланган депутат А. А. Азимбековнинг; Хоразм области 459-Ургачи райони округидан сайланган депутат У. К. Исмоиловнинг; Хоразм области 462-Гурлан райони округидан сайланган депутат Р. М. Худойбергановнинг ваколатларини тўғри деб топишга қарор қилди.

Сессия кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик ва Ҳалқаролик КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республика халқ ҳўжалиги комплексининг самардорлигини ошириш юзасидан совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида.
2. Табиатини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунлари қандай бажарилаётгани тўғрисида.
3. Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессия-

сида депутатлар киритган сўров юзасидан қабул этилаётган чора-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ахбороти.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми составидаги ўзгаришлар тўғрисида.

5. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составидаги ўзгаришлар тўғрисида.

6. Ўзбекистон ССР Олий Советининг баъзи доимий комиссиялари составидаги ўзгаришлар тўғрисида.

7. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Шундан кейин депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишга ўтирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составидаги ўзгаришлар тўғрисидаги масалалар биринчи бўлиб кўриб чиқилди. Шу масалалар юзасидан сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов сўзга чиқди.

Олий Совет депутатлардан Б. А. Алламуродов билан А. Саидхўжаевни Олий Совет Президиумининг аъзолари вазифасидан озод қилди.

Депутатлар Д. Дадажонов ва П. М. Абдурахмонов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб сайланди.

Шу масалаларга онд қарорлар бир овоздан қабул қилинди.

Сўнгра «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик ва Ҳалқаролик КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республика халқ ҳўжалиги комплексининг самардорлигини ошириш юзасидан совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Ф. Х. Қодиров доклад қилди.

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат В. А. Антонов беш йиллик план тўғрисидаги масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ҳалқаролик КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республика халқ ҳўжалиги комплексининг самардорлигини ошириш юзасидан совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисидаги қарорларни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.

шевик райони округи), У. М. Бакирова (389-Ворошилов райони округи), И. Х. Мусин (18-Оржоникидзе райони округи), Д. Д. Берков (497-Тўртқул шаҳар райони округи), А. Бокеев (292-Қўғай райони округи), В. И. Антонов (426-Сурхат райони округи), М. Х. Ҳасанов (127-Хартум райони округи), А. А. Йўлдошев (348-Даштак-Боло райони округи), А. Г. Манаников (399-Ховос райони округи), А. Г. Қадир (239-Шаҳрисабз қишлоқ райони округи), Ж. М. Жонибоев (251-Ўзбекистон райони округи), Н. П. Мамедова (203-Мирзачўл райони округи), Б. И. Хўжаев (465-Оқунбобоев райони округи), М. Х. Қурбон (473-Хива райони округи), В. А. Хижоқ (123-Озод райони округи), Э. Юсупов (298-Янгиқўрган райони округи) сўзга чиқдилар.

Олий Совет «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик ва Ҳалқаролик КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республика халқ ҳўжалиги комплексининг самардорлигини ошириш юзасидан совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисидаги қарорларни бир овоздан қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ҲАМДА КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КОМПЛЕКСИНИНГ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ ЮЗАСИДАН СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хўрматли депутат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми партиянинг ва бутун мамлакатимизнинг ҳаётида жуда муҳим сиёсий воқеа бўлди. Пленум КПСС XXVII съездининг қарорларини амалга ошириш юзасидан қўп қиррали ишларнинг биринчи босқичини якунлаштирди. Пленумнинг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг улоқда баён қилинган қонда ва ҳўсалар мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштиришда янги муҳим давр бошланганлигидан далолат беради.

СССР Олий Советининг сессияси ўн иккинчи беш йиллик планни тасдиқлади. Бу план партия ишлаб чиқ-

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Ф. Х. ҚОДИРОВ доклади

қан стратегияни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу планда бутун мамлакат маффаатлари иттифоқ-деш республикалар маффаатлари билан маҳкам боғланган. Республикалардан ҳар бирининг умумдават вазифаларини ҳал этишга қўшилган ҳиссаси орта боради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат план лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Давлат лойиҳаси КПСС XXVII съездининг қарорларига, мамлакатини иқтисодий

ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилди. План Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг раҳбарлигида тайёрланди. Бу ишда республика Госплани билан бир қаторда республика министрликлари, идоралари, маҳаллий Советларнинг иқтисодий қўшма кўмаклари, иттифоқ ташкилотларига бўйсунган бирлашма ва корхоналар, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва ВАСХНИЛнинг ўрта Осиё бўлими қатнашди. Плани тузиб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида, партия конференцияларида

киритилган таклифлар, сайловчиларнинг СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига берган нақзалари, шунингдек меҳнат коллективларининг таклифлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари план қўрсаткичларини батафсил кўриб чиқдилар. План лойиҳасида бу комиссияларнинг мулоҳаза ва таклифлари ҳисобга олинди.

Бу беш йиллик фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида ишлаб чиқаришни интенсификация қилиш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида жадал ола ҳаракат қилиб бориш учун, социал

вазифаларни кенг қўламда ҳал этиш ва халқнинг турмуш даражасини ҳар томонлама ошириш учун мустахкам асос яратиб бериш керак.

Шу беш йиллик республикада учун алоҳида аҳамиятга молик эканлигини яна бир бонси шуки, кейинги йилларда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда рўй берган салбий тенденциялар, унинг улкан иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалдан фойдаланишда катта нуқсонлар бу плани бажариш жараёнида бартараф қилиниши лозим.

Маълумки, республикада ўн биринчи беш йилда иқтисодия соҳасида бир қатор жуда муҳим сон ва си-

фат қўрсаткичларининг бажарилишини таъминлашда ва бунинг учун КПССнинг XXVII съездида кескин танқид қилинди. Шу беш йиллик вазифаларининг бажарилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз керак. Бу вазифалар илгари ҳал этилган вазифаларга нисбатан мураккаб ва кенг қўламдадир.

Белгиланаётган режаларни муваффақиятли бажариш учун партия съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ янги-чи ишлаш керак. Бу йўл-йўриқларнинг қўриқ қўриқларини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг экономика-ни бошқаришни қайта қуриш, агро-саноат комплексида ва енгил саноатда хўжа-

лик юритиш механизмининг такомиллаштириш, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, уй-жой проблемаси, маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги шартномаларни бажариш учун маъсулиятини ошириш, хом ашё, ёнғил-энергетика ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг тубдан яхшилаш тўғрисидаги муҳим қарорларни қабул қилишда белгиланган режаларни.

Беш йилликнинг республика халқ хўжалик комплексини интенсификация қилишда мураккаб вазифаларни ҳал этишда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, инсон омилининг ролини оширишда совет ва хўжалик органларининг роли ҳақда маъсулиятни анча ортади.

Партия беш йилликнинг бошиданқо, ҳозирнинг ўзида ўсиш суръатларини кескин равишда ошириш вазифасини қўйди. Бу вазифани ҳал этиш учун барча резервларни ва биринчи навбатда тез ва сезиларли самара берадиган резервларни ишга солишимиз керак.

Республикадаги совет ва хўжалик органлари раҳбарлигини иқтисодий методларга ўтишни, экономиканинг барча тармоқларини хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларига қўйишни таъминлашлари лозим. Халқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш бўлимлари — бирлашмалар, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг самарали ишлаши учун қўлай имкониятларни яратиб бериш даркор.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ В. И. ОГАРОКНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Валентин Иванович Огарок Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ Д. ДАДАЖОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Депутат Дилшодхон Дадажонов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ П. М. АБДУРАХМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АЪЗОСИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Депутат Пулат Махитович Абдурахмонов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Кооператорлар байрами

Халқаро кооператив ҳаракати ярим миллиарддан ортиқ кишини — жаҳоннинг қўпгина мамлакатларидаги барча аҳоли вакилларини ўзига жалб этган. Совет матлубот намятлари ўз сафларида 60 миллиондан ортиқ аъзони бирлаштириб турибди. Центросоюз системаси ҳодимларининг 3 июль куни Москва-

да бўлиб ўтган йиғилиши анъанавий байрам — Халқаро кооперация кунига бағишланди. Центросоюз системасида уч миллиондан ортиқ киши ишлаб турибди. Улар КПСС XXVII съезди қарорларини рўйга чиқаришга онд муҳим вазифаларни ҳал этмоқдалар. (ТАСС муҳбири).

УН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

(Докладнинг давоми. Бо-
ши биринчи бетда).

КПСС XXVII съездининг кўрсатмаларига мувофиқ, халқ депутатлари Советларининг социал-иқтисодий ривожланишни жаддалаштириш соҳасидagi ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилган эди. Сийсий бюро яқинда бу тадбирларни маъқуллади.

Министрлар, идораларнинг, Советлар ижроия комитетларининг раҳбарлари шу нарсани ҳисобга олишлари керакки, тегишли тармоқларнинг ишларини яхши йўлга қўйиш ва ҳужа-лик фаолиятининг ҳамма

соҳаларини қайта қуришни жаддалаштириш уларнинг партия съезди ва КПСС Марказий Комитети 1986 йил июни Пленумининг қарорларини бажаришда актив позицияда туришлариغا, ишчи маҳорат билан таъкил қилишларига ва юзга келмаган масалаларни тез ҳал этишларига кўп ҳиҳатдан боғлиқдир.

Планини тузиб чиқиш вақтида беш эътибор Асосий йўналишларда Ўзбекистон ССРга берилган топиш-қиларнинг юқори поғонасига кўтарилиб, беш йиллик даврида ўсиш суръатларини йилларга қараб бир маромда ошира боришга қаратилди.

жумладан саноат дизайнини ривожлантириш ҳам мўҳимдир.

Планда халқ ҳўжаллигини электрроиллаштириш чораларини амалга ошириш кўзда тутилган. 150 та ҳисоблаш ва бошқариш комплексини ишга тушириш планлаштирилмоқда. Автоматлаштирилган янги бошқариш системаларини яратиш соҳасидagi ишлар давом эттирилади.

Ўқувчиларга компьютерни ишлатишни ўргатиш учун умумий таълим мактаблари ва ҳўнар-техника билим юртларида мактаб электрон ҳисоблаш машинасини ажратиб бериш мўж-жалланмоқда.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариётган «Ўзбекистон—2000: интенсивлаш ва ривожланиш» программасини республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жаддалаштиришни таъминлашда мўҳим ўрнини эгаллашни керак. Бу ишда кўпгина илмий-тадиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, бирлашма ва корхоналар қатнашмоқда. Программаларни тузиб чиқиш босқичида ҳам, уни амалга ошириш жараёнида ҳам ана шу ташкилотларнинг манфаатдорлик билан пухта иш олиб боришларини таъминлаш мўҳимдир.

Техника тараққиёти ҳақида гапирганимизда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини, ВАСННЛ Ўрта Осиё бўлими, республикадаги олий ўқув юртлари, тармоқ илмий муассасалари ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг техникани тараққий эттириш жараёнини жаддалаштириш соҳасидagi ролини кучайтириш керак. Фанни ривожлантириш учун сарф қилинадиган кўп маблағларнинг берадиган самарасини ошириш лозим.

СССР Олий Советининг сессиясида таъкидлаб ўтилганидек, кўпгина министрликлар марказий аппаратнинг функцияларини ўз институтлари зиммасига юкламоқдалар. Бундай аҳвол бизнинг республикамизда ҳам учраб туради. Тармоқ илмий муассасалари министрликларнинг бошқариш ўсимтасига айланиб қолган. Масалан, «СредазНИИгаз» мутахассисларидан салкам 70 киши «Союзгазпром» аппарат ходимларининг вазифаларини бажармоқда. Бу институтнинг (директори ўртоқ Алимхўмаев) фаолияти иккунчи халқарога эга эмас ва ишлаб чиқариш даражасини оширишга сезиларли таъсир кўрсатамайтир. Институт мутахассислари кейинги йилларда бирорта ҳам йирик илмий ечим тайёрламадилар.

Фанни халқ ҳўжаллигининг эҳтиёжларини қондириш сари бурбў юбатиш тадбирларини зўр гайрат билан амалга ошириш керак. Лекин ишлаб чиқаришда бир сари бурлиш ясам ҳам мўҳимдир. Қўиматли гол ва ечимлар йиллаб амалга оширилмай қолаётганини кўра сатадиган фактлар оз эмас.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — фан-техника тараққиётининг, ишлаб чиқаришнинг интенсивлашнинг асосий кўрсаткичидир. Беш йиллик планда меҳнат унумдорлигини саноатда 18 процент, қишлоқ ҳўжаллигининг ижтимоий секторига 24, қурилишда 14 процент ошди, ишлаб чиқаришнинг умумдорлигини таъминлади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — фан-техника тараққиётининг, ишлаб чиқаришнинг интенсивлашнинг асосий кўрсаткичидир. Беш йиллик планда меҳнат унумдорлигини саноатда 18 процент, қишлоқ ҳўжаллигининг ижтимоий секторига 24, қурилишда 14 процент ошди, ишлаб чиқаришнинг умумдорлигини таъминлади.

Ишлаб чиқариш жараёнини яхши ташкил қилиш, бир маромда ишлашни йўлга қўйиш, штурмчиликка барҳам бериш ва меҳнат интиқсонини мустаҳкамлаш масалалари министрликлар, идоралар, бирлашма ва корхоналар раҳбарларининг диққат марказида туриши керак. Бу йил саноатда, 1987 йилда эса қурилишда иш жойларини аттестациядан ўтказишнинг ниясига етказиш зарур.

Тез ортиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш — республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жаддалаштириш, мамлакатимизнинг ягона халқ ҳўжаллиги комплексига Ўзбекистон қўшаётган ҳиссани кўпайтиришнинг мўҳим омилдир.

Шу беш йилликда республика аҳолисини сонининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари тезлашиб, 2,7 процентини ташкил этди. 1990 йилга бориб Ўзбекистон аҳолисининг сонини 20,8 миллион кишидан ошиб кетди, меҳнат ресурслари ҳам анча кўпайди. Беш йилликда ана шу меҳнат ресурсларининг ҳаммасини ва ҳозирги вақтда уй-ўрғон ҳамда шахсий эрмачлик ҳўжалликларида банд бўлган 180 минг кишини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш мўжжалланмоқда.

Планда янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, смелаларни кўпайтириш йўли билан иш жойларини янада ошириш кўзда тутилган. Беш йил ичиди кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 370 та янги филиал ва цехлар ташкил қилинди. Бу эса 70 мингдан ортиқ кишини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Меҳ-

натинг касаначилик формаларини кенг жорий этиш керак.

Сибирь, Узоқ Шарқ, Ноқоратупроқ зонадаги корхона ва қурилишларини меҳнат ресурслари билан таъминлашда Ўзбекистоннинг иштирокини бутун чоралар билан кучайтириш лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда аҳолини иш билан тўла таъминлаш халқ депутатлари Советларининг энг мўҳим вазифасидир. Бу вазифа маҳаллий ҳўкинмат органларининг қундалик фаолиятида диққат марказида туриши керак. Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш проблемасини ҳал этиш ҳўжаллик вазифасига эмас шу билан бирга энг мўҳим сийсий ва социал вазифа ҳамдир.

Планда ресурсларни тежаш юзасидан тигиз топиш-риқлар берилган. Миллий даромад ҳосил қилиш учун материал сарфи ўн биринчи беш йилликдаги нисбатан 4,2 процент, энергия сарфи эса 4,8 процент камайtirилиши керак.

Асосий эътибор хом ашё, материал, ёқилғи, энергияни бутун чоралар билан тежашга, ресурсларни тежайдиган ва чиқитиш технологияни қўлланганда қаратилиши лозим. Аммо кўпгина министрликлар, бирлашма ва корхоналар бу соҳадаги ишларини суст қайта қурмоқдалар. «Главашкентстрой» (ўртоқ Дудин), Мелюария ва сув ҳўжаллиги министрлиги (ўртоқ Сапаев) қора металллар прокатини тежаш юзасидан шу йил учун берилган топиш-риқларнинг бажарилишини таъминлаш маътирлар. Шу йилнинг ўтган даврида электр энергиясини истеъмол қилиш юзасидан белгиланган лимитларини ошириб юбориш ҳоллари 1100 мартадан кўпроқ рўй берган.

Моддий бойликларни исроф қилишга, улардан омилкорлик билан фойдаланмасликка тамомила чеч қўйиш лозим.

Моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари билан шугулланувчи республика идораларига «Комиссия» (ўртоқ Шарипов) ёқилғи, энергия, хом ашё ва металллар тежаш йўли билан уларга бўлган қатъи эҳтиёжнинг 65—70 процентини таъминлашдан иборат жуда мўҳим вазифани ҳал этиш учун ресурсларнинг ҳамма турларини ҳисобга олиш ҳамда улардан фойдаланишнинг назорат қилиш шунинг пухта системасини вужудга келтириш лозим.

Иккиламчи хом ашёнинг аҳамияти мунтазам ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Планда улардан фойдаланишни анча кўпайтириш кўзда тутилган. Лекин ана шу мўҳим ишга тегишлича эътибор берилмайтир. Фосфогипс, ишланган нефть маҳсулотлари, кул ва шлак қитлар, макулатура, ёғоч-тахта қиқитлари, иккиламчи ва тўқимачилик материаллари ва бошқалардан жуда қониқарсиз фойдаланишмоқда. Иккиламчи ресурсларни қайта ишловчи қувватлар суст ривожлантирилмоқда.

Планда меҳнат унумдорлигини ўстириш, меҳнатга тўланадиган ҳақини тақомиллаштириш юзасидан белгиланган топиш-риқлар, мавжуд резервлардан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари саноат ва қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотининг таннархини анча камайтириш имконини беради.

Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ҳўжаллик ҳисобини мустаҳкамлаш билан боғланган. Биз барча иқтисодий жараёنларини мохирлик билан бошқаришни истар эканмиш, ҳар бир корхона ва ҳўжаллик органда, ҳар бир колхоз ва совхозда молия ишларини пухта уюштиришга эришмоғимиз керак.

Ҳўжаллик механизминини қайта қуриш иқтисодий ишларини тубдан яхшилашни талаб этади. Маълумки, яқин вақтларга анча шу мўҳим иш соҳасига лозим даражада эътибор берилмаган эди. Бу ҳол қўр зарар қўлишишга ва ноубудгар чиликларга олиб келди. Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, ўн биринчи беш йилликда ўринсиз харажатлар 3,5 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетган.

Ўтган йили 210 миллион сўмдан ортиқ жарима, пеня ва неустойка тўланган, чорва молларининг ноубуд бўлиши оқсидан 62 миллион сўм зарар қўрилган. 26 миллион сўмлик норейал дебиторлик қарзлари ҳисобдан чиқариб ташланган, қамомат, ўғирлик ва моддий бойликларнинг ноубуд бўлиши оқсидан 22 миллион сўм зарар қўрилган.

Фойда олиш планларини бажариш, оборот маблағларини сақлаш ва маҳсулот етказиб бериувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун, тежамкорлик режими учун ҳўжаллик раҳбарлари олдида қаттиқроқ талаблар қўйиш зарур. Молия интизоминини қатъиян мустаҳкамламай туриб, халқ ҳўжаллигида тартиб ўрнатиш ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мўҳим эмас.

САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

План лойиҳасида оғир саноатни тез суръатлар билан ривожлантириш кўзда

Ўсиш суръатлари (Процент ҳисобида)		Салмоғи (Процент ҳисобида)	
1985 йилда	1990 йилда нисбатан	1985 йил	1990 йил
Оғир саноат — жами	125	133	100
Машинасозлик	138	148	38
Ёқилғи-энергетика комплексини	116	124	21
Конструкция материаллари ва химия саноати	129	131	41

Индустриянинг ўзгаги — машинасозлик халқ ҳўжаллигини техника билан қайта қуруллантиришда жуда мўҳим роль ўйнайди. КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июни Пленумида ана шу етакчи тармоқни ривожлантириш ва унинг техникани даражасидаги камчиликлар ҳақида гапирилган эди. Бу камчиликлар республикамизда ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. Кейинги йилларда саноатда машинасозлиқнинг ҳиссаси кўпаймади, дейиш мўҳимки. Машинасозлик маҳсулотининг кўп турлари, шу жумладан янги ишга туширилган корхоналарнинг маҳсулотлари ҳозирги замон талабига жавоб берамайтир ва халқ ҳўжаллиги тармоқларида ишлаб чиқарилиши техникавий даражаси ва самарадорлигини оширишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатамайтир. Бу гап «Главашхлупководство» (ўртоқ Сафаров), «Ўзбекхлопкомаш» (ўртоқ Турсунов) корхоналарига ва электр техника ҳамда асосбослиқ саноатининг бир қанча корхоналарига ҳам тамомила тааллуқлидир.

Ўн иккинчи беш йиллик планда машинасозлик корхоналарининг структурасини яхшилаш кўзда тутилган. Станоксозлик, асосбослиқ, химия машинасозлиги, электрон ва электр техника саноати илдам суръатлар билан ривожлантирилди. Ишлаб чиқарилиши техникавий даражасини оширишга, машина ва ускуналарнинг янги туркумларини ишлаб чиқара бошлашга алоҳида эътибор берилди. Тошкент трактор заводида қабувват тракторлар қўллаб ишлаб чиқарила бошланди. Тошкент эскиватор заводи янги, янада қудратли эскиваторларни ишлаб чиқаради. «Компрессор» заводида замонавий кўчма компрессор станцияларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Тошкентдаги мотор заводи, шунингдек Урганч шаҳрида ем-хашак йиғиштириб олувчи машиналар ишлаб чиқарувчи завод қурилиши ниясига етказилди. Тошкент трактор заводида ва бу заводнинг Ленинск шаҳридаги трактор прицеплари ишлаб чиқарадиган филиал билан бошқа бир қанча объектларда янги қувватлар ишга туширилди. Жиззах шаҳридаги аккумулятор заводи қувватларини ўзлаштириш борасида катта иш қилинди.

КПСС Марказий Комитетини Ленинградликларнинг корхоналарини икки-уч смелали иш режимига кўчириш соҳасидagi ташаббусини маъқуллади. Бу ташаббусини машинасозликда ва саноатнинг бошқа тармоқларида кенг ёйиш энг зарур вазифадир.

Планда ёқилғи-энергетика комплексини балансли ривожлантиришнинг таъминлаш, ёқилғи базасини мустаҳкамлашда алғари йўл қўйилган жиддий камчиликларни йўқотиш, халқ ҳўжаллиги ва аҳолини электр энергия ҳамда ёқилғи билан яхши таъминлашга катта эътибор берилди.

1990 йилда электр энергия ҳосил қилиш 61,5 миллиард киловатт соатта етказилди, ёки 1,3 баравар кўпайди. Янги. Ангрэн ГРЭСининг биринчи навбати ишга туширилди ва иккинчи навбати қурила бошлади. Толлимаржон ва Ташкент ГРЭСларидаги қувватлар ишга туширилди. Писком гидроузели қурила бошлади.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги (ўртоқ Тошматов), «Ўзбекэнерго» (ўртоқ Ёрғалиев) олдида объектларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш каби масъулиятни вазифалар турибди. Энергия қувватларини вужудга келтириш суръатлари республика халқ ҳўжаллигининг талабларини қондирамайтир. Номлари айтиб ўтилган раҳбарлар шу соҳадаги ишларини қайта қуришлари керак.

Республикада талайгина миқдорда кўмир ресурслари бўлса ҳам бу тармоқ саноатини ривожлантиришда энг танг ҳол бўлиб қолмоқда. «Средазуголь» бирлашмасининг (ўртоқ Леуко) ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилганлиги натижасида республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжлари тўла таъминланмайтир.

Планда кўмир қазиб

сақланади. Рангиди металлургия, газ саноати корхоналарининг хом ашё базасини кенгайтиришга, норузда хом ашё ва бинокорлик материаллари қонларини қидиришга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўр-

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚАНИ РИВОЖЛАНИШИ

Транспортнинг бир маромда ва пухта ишлаши жуда катта аҳамиятга эгадир. Темир йўлларида юк ташини ҳажми анча ортади. Ўрта Осиё темир йўли ходимлари мамлакатдаги ўрта темир йўл коллективлари билан бир қаторда Беларуссия темир йўлчиларининг меҳнатини ташкил этиш ва рағбатлантириш янги методларини жорий қилиш соҳасидagi тажрибасини эгаллаб олмоқда.

Автомобиль транспортинида юк ташин 20 процент кўпайтирилди. Граждан авиацияси янада ривожлантирилди, аэропорт шохобчалари кенгайтирилди.

Ўрта Осиё темир йўли (ўртоқ Белогорев), Авто-транспорт министрлиги (ўртоқ Азимбеков), Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси (ўртоқ Турки) транспорт эксплуатацияси ишларини тубдан яхшилашлари, лозим.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Беш йиллик план топиш-риқларини муваффақиятли бажариш учун капитал қурилишини белгиланган программасини амалга ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

КПСС XXVII съездининг қарорларидан келиб чиқадиган инвестиция сийсати масалаларини ҳал этишга янги ёндашиш план лойиҳасида ўз ифодасини топди. Капитал қурилиш муддатларини камида икки баравар қисқартириш вазифаси қўйилди.

1986—1990 йилларда пухта таъминлашнинг барча маблағлари бўйича берилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 37,8 миллиард сўм миқдорда белгиланди. Бунда давлат капитал маблағлари 32,4 миллиард сўмини ташкил этди.

Капитал маблағларнинг саноатдаги ҳиссаси кўпайтирилди. Ёқилғи-энергетика комплексини, машинасозлик, химия саноатини, қора ва рангли металлургияни ривожлантиришга кўпроқ маблағ сарф қилинди.

Енгил ва озиқ-овқат саноатининг ишлаб турган корхоналарини реконструкциялаш ва кенгайтириш, янги-ларини қуриш соҳасида катта ҳажмдаги ишларни бажариш керак. Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йилги номли тикувчилик бирлашмасининг тажрибаси (директори ўртоқ Шевешова) зўр эътибор қилишга арзийди. Бу бирлашмада маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатмай, июнь ойида ўз қулар билан эркаклар кўстими тикилдиган цехни техника билан қайта қуруллантиришга киришилди, июль ойида, яъни бир ой ичиди бу ишни ниясига етказадилар. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлигини 20 процент ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш имконини туғди.

Капитал маблағларнинг 46 процентдан кўпроғи агросаноат комплексини ривожлантиришга сарф қилинди.

Ўн иккинчи беш йилликда химия ва нефть химияси саноатини ривожлантириш суръатлари 49 процентини ташкил этди. 1990 йилда минерал ўғит ишлаб чиқариш (100 процент озуқа моддасига айлантириб ҳисоблаганда) 2 миллион 242 минг тоннага етказилди. Синтетик смолла, пластмасса, химиявий тала ва ип ишлаб чиқариш бир ярим баравардан зиёд кўпайтирилди. Навоий электрохимия заводида ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини ишлаб чиқариш янада ривожлантирилди. Бу тармоқдаги бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари вужудга келтирилган қувватларини беш йиллик бошланғич ўзлаштиришга аришилари ва беш йиллик планларида белгиланган ишлаб чиқариш даражасига қисқа вақт ичиди қилиб олишлари керак.

Бинокорлик материаллар саноатини ишлаб чиқариш ҳажми 20 процентдан зиёд ортади. Цемент, шифер, асбестцемент қувурлар, гишт, норуца қурилиш материаллари, линолеум, санитария-керамика буюмларини ишлаб чиқариш кўпайтирилди.

Корхоналарнинг коллективлари тармоқни техника билан қайта таъминлаш ва ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишни яхшилаш, маҳсулотининг сифатини ошириш соҳасида зўр гайрат билан ишлашлари керак.

Ўн иккинчи беш йилликда геология-қидирув ишларининг юксак суръатлари

пассажирлар ташинишга, авариасиз ишлашни таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Алоҳа корхоналарида янги техникани ва замонавий машина-ускуналарни ўрнатилиш мўжжалланмоқда. Шаҳарларда телефон алоқасининг сифати тўғрисида ҳаққоний таъналар кўп. Алоҳа министр ўртоқ Раҳимов бу соҳада тегишли тартиб ўрнатиш учун амалий чоралар қўйиш, телефон станциялари қувватини тўла фойдаланишни таъминлаш керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Ғ. 3. Заҳриддинов транспорт ва алоҳа ишга таъсир кўчатириш, бу мўҳим тармоқларда фан-техника тараққиёти ютуқлари тежамкорлик билан жорий этилишига янада кўпроқ ва қатъий билан эришуви лозим.

Датларга қатъий риоя қилиш лозим. Капитал маблағларининг ҳажмлари пудратчи ташкилотларнинг ва қурилиш индустриясининг имкониятлари билан боғлаб олиб борилиши керак. Панда айни бир вақтда қуриладиган объектлар сонини бундан буюн чеклаш тадбирлари кўзда тутилган.

Қурилиш ишларини индустриаллаштириш ва заводларни конструкция ҳамда деталларини ишлаб чиқаришга таъбирғарлик даражаси оширилди, янги самарали конструкциялардан кўпроқ фойдаланилди. Қурилиш министрликлари ва идоралари қурилишларда янги техника ва технологияларни жорий қилишга астойдил киришилди, иш билан кўпроқ таъминлаб, барча қурилиш бўлималярининг рентабел ишлашига эришилари лозим.

Буюртмачилар, лойиҳачилар, пудратчиларнинг ажратиб берилган капитал маблағлардан фойдаланишга мўнособатларини қатъиян ўзгартириш зарур. Уларнинг бамаалаҳат ҳаракат қилмаслиги ишга барбод этади. Республика Қурилиш министрлиги бўйича май ойидаёқ шу йилнинг планига қиритилган 20 дан ортиқ объектда буюртмачи ташкилотлар зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини топишмадилар. Бу ҳол ишнинг кеч бошланишига сабаб бўлди.

Капитал маблағлардан фойдаланиш планини сўзсиз бажариш — беш йиллик учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Лекин шунга қарамай, шу йилнинг биринчи ярмида Навоий областида (ўртоқ Бўриев), Андижон областида (ўртоқ Ҳасанов), Бухоро областида (ўртоқ Нарзуллоев) ва бошқа бир қанча областларда хусусан асосий фондларини ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишда қоқолдиҳа йўл қўйилди. Министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, област ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети шу йил ишга тушириладиган объектлар қурилишини тугаллаш учун амалий чораларни қўришлари, 1987 йилдаги ва беш йилликнинг шундан кейинги йилларидаги қурилиш ишларига таъбирғарлиқни кучайтириб юборишлари керак.

Ҳозирги кунда республикадаги пудратчи ташкилотлар уй-йўл ва социал-маданий-маиший объектлар қурилишига ажратиб берилган капитал маблағлар планларининг бажарилиши учун шахсан жавобгар эканлиқларини айтиб, уларни қатъий оқоҳлантириб қўйиш даркор. Буюртмачилар томонидан шу мақсад учун ажратиб бериладиган маблағларни пудратчилар тўла ҳажмида қабул қилиб олиши лозим.

Ғосстрой, Ўзбекистон Архитекторлар союзи, маҳаллий Советлар, шаҳарлар, район марказлари, колхоз ва совхозларнинг марказий қўроғлари архитектура қурилишини яхшилаш масалаларига эътиборни кучайтиришлари керак.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, капитал қурилишдаги жиддий камчиликлар учун, бу соҳада ҳам етарлича маром таъминланмаётганлиги, объектларни барпо этиш муддатлари барбод этилишига йўл қўйилаётганлиги, ишларнинг сифатини паслтиришда шикоятларнинг кўплиги учун жавобгарликнинг талайгина қисми республика Министрлар Советининг зиммасига ҳам тушади.

(Давоми учинчи бетда).

қўймаслик учун кузги-қиш-
ки даврдаги ишларга хар

Республика 1986 йил
плани тўла ва ошириб ба-
жарилмоғи учун ҳамма им-
кониятлар ва резервларга
ёта. Бу биринчи даражали
хўжалик ва сиёсий вазифа-
лир.

КПСС XXVII съезди совет халқининг ҳаётини манфаатларига, социализм ва тинчлик, ишнинг олий идеалларига мос келувчи стратегик йўлни ишлаб чиқди. Барча совет кишилари сингари Коммунистик партия, унинг леиничи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипси...

меҳнаткашлари КПСС ва Совет давлатининг доно ички ва ташқи сийасатини қизғин қўллаб-қувватлаб партия севдизининг, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг илҳомбахш гоялари ва қарорлари ҳар бир меҳнат коллективининг ҳаётига кириб бормоғи, ўн иккинчи беш йиллик планларини бажариш борасидаги реал ишларда мукассам ифодасини топишга учун ҳар бир инчқини, қилдиҳор

Мақтаб ислоҳотини амал-

чил рўёбга чиқариш республика Маориф министрилигининг, халқ маорифи органларининг энг муҳим вазифасидир. Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари мактаблар ва ҳунар-техника билим юрталарининг ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш ва

засини мустақамлаш соҳасида министрликлар, идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг куч-ғайратларини мувофиқлаштиришни қатъият билан тақомиллаштиришга

Республикада ҳунар-техника таълими системаси орқали тайёрланадиган маълумоти ишчи кадрларга эҳтиёж катта эканлигига қарамай, бундай кадрларнинг ҳозирча яримдан сал кўпроғи тайёрланмоқда. Шунинг назарда тутилди, ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими, давлат комитети, пудратчи қурилиш министрликлари ва идоралари ҳунар-техника

қуриш планларини бажари-
лушга, уларни замонавий
асбоб-ускуналар билан жи-
ҳозлашга алоҳида эътибор
берилушари зарур.

Ун кичкинчи беш йиллик-
да аҳолига пуллик хизмат
кўрсатиш соҳаси янада ри-
вожлантирилди. Барча ми-
нистрликлар ва идоралар-
нинг актив ва фаол иштиро-
кида хизмат кўрсатишнинг
кенг тармоғини вузудга кел-
тириш мўлжалланди. Шу
муносабат билан мининг
хизматим, таъкил атиши

ҳокимият маҳаллий органларининг мувофиқлаштирувчи роли янада катта аҳамият касб этади. Айни вақтда комиссияларнинг фикрича,

маишии хизмат кўрастиш
министрининг кейинги
пайтда ташкил этилган их-
тисослаштирилган республи-
ка ишлаб чиқариш бирлаш-
малари жойларда аҳолига
маишии хизмат кўрастишни
бошқариш ишида халқ де-
путатлари район ва шаҳар
Советлари ҳамда уларнинг
ижроия комитетлари вазифа-
ларини анча чеклаб қўй-
моқдалар. Хўжалик ва со-

диал-мданий курилишга
рабарлик қилишда халқ
депутатлари Советларинин
рсли оширилиши — жадал-
лаштириш программалари-
ни муваффақиятли рўбга
чиқаришнинг энг муҳим
шарти эканлигини назарда
тутиб, Ўзбекистон ССР Гос-
плани, Аҳолига маийш
хизмат кўрсатиш министр-
лиги, бошқа манфаатдор

Дойми комиссияларнинг хулосасида 1986—1990 йилларга мўлжалланган планининг барча бўлимлари юзасидан таъсирлар берилди. Планининг рўёбга чиқарилиши совет, ҳўналик органларидан, муҳнат коллективларидан экономиканинг барча резервлари ва имкониятларидан энг кўп дара-

актив иш олиб боришни таллаб этади.

Ўзбекистон ССР меҳнат-кашлари ўзларининг ялдух-бахш ижодий меҳнати билан республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришининг беш йиллик плани белгилаб берган вазифаларни бажаришга, КПСС XXVII съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этайсиз.

Редактор
Н НАСИМОВ

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12